Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 14 июль, сешанба • № 83 (22.320).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХАБАРЛАР

Оилавий даромад манбаи

Бозор иқтисодиёти шароитида оилавий пудратнинг хосияти чексиз. Боиси, бундай жамоанинг ҳар бир аъзоси «ўзинг учун ўл етим» маъносида хизмат қилиши, маҳсулот сифати учун курашиши табиий. Бўз туманидаги Ю. Шодмонов номли жамоа хўжалигининг «Даврок» маҳалласида Иброҳимжон Жўраевлар оиласида ана шундай аҳиллик ҳукмрон. 34 жон ғайрат кўрсатмоқда. Томорқа тўкинчилик манбаи экани амалда кўриляпти. Хусусан 2,5 минг туп помидор кўчати плёнка остида парваришланиб, юқори ҳосил кўтарилди. Дастлабки савдо 50 минг сўмни ташкил этди. Карамдан 12 минг сўм даромад олди. Яна олмаю гилослар, анжир, узум, анор, беҳилар ҳам пишиб етилса даромадга даромад қўшилаверади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Янгича сабоқ уфқлари

Таълимни ривожлантириш масалалари бўйича ЮНЕСКО халқаро комиссияси раҳбари Эдгар Фор таъкидлаганидек: «Замонавий технология таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучдир». Мамлакатда бакалаврлар ўқувини тўрт йилликка ўтказиш, фундаментал фанларга аҳамият бериш ҳамда 2000 йиллардан кейин вужудга келувчи янгича технологияларни ўргатиш вазифаларига эътибор катта. Шу боисдан, Тошкент кимёвий технология институтининг иқтидорли мутахассисларини хориждаги олий техника ва технология институтларида малакасини оширишга жалб қилинмоқда. Жумладан, профессор П. Исматуллаев Голландияда бўлди. Шу кунларда эса ўқитувчилардан Ашраф Эминов Германияда ўқув ва илмий ишларни ташкиллаштиришни ўрганмоқда. Доцент Бахтиёр Ҳасанов Грецияда бўлиб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш режаси билан банд. Мақсад кадрлар малакасини ошириб, «Янги педагогик технология» курсини ташкил этишдан иборат. Аслида бундай усул илк бор Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида қўлланилган эди. Янгича сабоқ уфқларидан бахраманд бўлиш Ватанимиз ёшларини келажакда етук ва малакали кадрлар бўлиб етишишларига йўл очади.

Қудрат АҲМЕРОВ

ЎЗТАРИШЛАР

«Шарқ — Бухоро» хизматда

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни билан Бухоро давлат университети ўртасида ҳамкорлик самарали кечмоқда. Университет ҳузурида «Шарқ — Бухоро» масъулияти чекланган жамият саъй-ҳаракати билан китоб савдоси дўконида хизмат кўрсатиш бошлаб юборилди. Талабалар бу ердан олти миллион сўмликдан кўпроқ турли соҳа ва йўналишдаги адабиёт ва дарсликларни арзон нархларда олишга имкон топишмоқда. Ёшлар йўлга қўйилган бундай хайрли тадбирдан беҳад мамнун.

Даврон БАҲРОНОВ

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Маймана яна толибларга ўтди

Афғонистоннинг собиқ Президенти Бурҳониддин Раббоний шимолий иттифоқ вакиллари толиблар билан тинчлик музокаралари ўтказишга тайёр эканликларини билдирди. У журналистлар билан суҳбат пайтида танг вазиятни фақат музокаралар йўли билан бартараф этиш мумкин, деди. Раббоний ачиниш билан айтдики, шу йилнинг апрель ойида Покистон пойтахтида бошланган тинчлик музокаралари боши берк кўчага кириб қолди. У бунда толибларни айблади.

Айни пайтда «Толибон» ҳаракати қуролли кучлари стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Фарёб вилоятининг маркази Маймана шаҳрини эгаллаб олди. Бу шаҳарда турган генерал Абдул Рашид Дўстум қўшинлари толибларнинг ҳужумларига дош беролмай чекинишга мажбур бўлди. Толиблар эса даҳшатли ҳужумлар билан шаҳарга бостириб киришди. Бироқ толибончилар кўп куч ва техника йўқотишди. Уларнинг рақибларида ҳам қурбонлар бор.

Афғонистон ҳақида яна бир гап. Ушбу мамлакатда кейинги 20 йил ичида биринчи марта ғалладан мўл ҳосил кўтариладиган бўлди. Бироқ аҳолининг анчагина қисмига эса халқаро инсонпарварлик ёрдамлари жуда зарур. Масалан, бу йил Афғонистонда 3,85 миллион тонна дон, шунингдек, 2,8 миллион тонна буғдой етиштирилиши мумкин. Бу ўтган йилгига нисбатан беш фоизга кўпроқ. Лекин халқни боқиш учун четдан яна 740 минг тонна буғдой ва гуруч келтириш керак.

Хасимото истеъфога чиқди

Парламентнинг Олий палатасига сайловларда Япония либераль-демократик партияси мағлубиятга учрагани учун унинг раҳбари, Япония Бош вазири Рютаро Хасимото ўзини айбдор деб билмоқда ва истеъфога чиқди. Куни кеча у Япония телевидениеси орқали баёнот бериб, буни тасдиқлади. Дастлабки маълумотларга кўра, либераль демократик партия парламентдаги 10 та мандатидан жудо бўлди. Ҳозирча Бош вазир лавозимига Япония ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути ягона номзод сифатида кўрсатилмоқда.

Косовода шиддатли жанглар

Косовода Сербия хавфсизлик кучлари билан Косово озодлик армияси қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Кеча келган хабарларга кўра тўқнашувлар натижасида иккита сербиялик полициячи қурбон бўлган. Юзлаб маҳаллий аҳоли эса қўшни туманларга қочиб кетди.

Брюсселда мажлис

Европа иттифоқи аъзоси бўлмиш мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари иштирокида икки кунлик мажлис бўлаётир. Брюсселда ўтаётган бу мажлисдаги асосий мавзу Европа Иттифоқининг келгуси ярим йилликка раисини сайлаш масаласидир.

Террорчилик ҳаракати қораланди

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Шимолий Ирландиядаги диний экстремистлар томонидан куни кеча ўтказилган террорчилик ҳаракатини қоралади. Кўп қаватли уйни ёқиб юбориш натижасида уч бола ҳалок бўлган. Уч киши эса шифохонага ётқизилган.

Тўртинчи чорак учун икки миллиард

Умумжаҳон банки Жанубий Кореяга 1998 йилнинг тўртинчи чораги учун икки миллиард доллар қарз беришга қарор қилди. Жума куни банк вице-президенти Северинонинг айтишига кўра, Жанубий Кореядаги иқтисодий ислоҳотлар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Шу боис уларга қўшимча маблағ зарур. Банк шу йилнинг бошларида Жанубий Кореяга беш миллиард доллар қарз берган эди. Эндиликда жами 58 миллиард доллар қарз беришга қарор қилинди.

Меҳр офатдан устун

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июль куни Фарғона вилоятининг табиий офатдан зарар кўрган Шоҳимардон қишлоғида бўлди.

Маълумки, яқинда бу ерда юз берган сув тошқини натижасида қишлоқдаги айрим турар-жой, маданий-маиший, савдо ва умумий овқатланиш биноларига зарар етказилган, йўл ва кўприклар бузилган, алоқа тармоқлари ишдан чиққан,энг ачинарлиси, инсоний талофат кўрилган эди.

Мамлакатимиз раҳбари табиий офат оқибатида зарар кўрган ҳудудларни кўздан кечириб, ҳукумат комиссияси бажараётган ишлар билан танишди. Президентимиз ҳукумат комиссияси аъзоларига ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларига тошқин келтирган талофатни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Ҳалок бўлган 91 одамнинг рўйхатини тузиб чиқиш, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда расмиятчиликка йўл қўймаслик, марҳумларнинг маросимларини ўтказишга кўмаклашиш, сув йўлларини бир меъёрга солиш, дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш лозимлигини юртбошимиз алоҳида таъкидлади. Оқсув дамбаси қурилишини пишиқ-пухта, ҳар томонлама мукаммал қилиб ниҳоясига етказиш, шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак, деди Президент.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Шоҳимардонда бугунги кунда амалга оширилаётган иш кўлами билан танишди. Жумладан, автомобиль йўллари, электр таъминоти, радио ва телефон алоқасини мунтазам йўлга қўйиш, бу ишларга қўшни вилоятлардаги мутахассисларни жалб этиш, қурилиш ишларини жадаллаштириш, аҳолига зарур тиббий хизмат кўрсатиш, эпидимеологик ҳолатни пухта ўрганиш, одамларни керакли доридармонлар билан таъминлаш, офатдан зарар кўрганларга моддий ёрдам бериш кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини уқтириб ўтди. Йўлбошчимиз бундай кўнгилсиз ҳолларни бошқа такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларида ана шундай хавфли дарё ўзанларида доимий кузатув пунктларини ташкил қилиш, бу ишга етакчи мутахассисларни жалб этиш, Шоҳимардон қишлоғида бетон қоришмалари, асфальт тайёрлаш тармоқларини қайта тиклаш зарурлигини алоҳида уқтирди. Мамлакат Президенти тошқин оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этди.

Фарғона аэропортида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз суҳбат чоғида бундай тошқиннинг олдини олиш, қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик мумкин эканлигини алоҳида таъкидлади. Агар табиий офат ҳақидаги хабар ўз вақтида етиб келганида, бундай кўнгилсиз ҳоллар юз бермаслигини айтиб, журналистлар эътиборини Шоҳимардонда юз берган сел ва тошқинлар тарихини ўрганишга қаратди. Чунки бундай кўнгилсиз воқеалар илгари ҳам бўлган. Шоҳимардон тошқинлари тарихини ўрганиш, халққа етказишда чуқур мулоҳазалар асосида иш олиб бориш, таҳлил қилиш, тошқин ва сел оқибатларини бартараф этиш, олдини олиш ҳақида тўлақонли, ҳар томонлама пишиқ-пухта мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, тарғиб қилиш борасида амалий ишлар зарурлигини таъкидлади. Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларидаги тошқин юз бериши мумкин бўлган жойларда кузатув пунктларини ташкил этиш, бундай офатлардан халқни ўз вақтида огоҳ қилиб бориш кераклигини айтди.

Бузилган кўприкни тикласа бўлади, янги уй-жойни ҳам қуриш мумкин. Биз учун энг оғири инсоний талофатдир. Ҳалок бўлганларни қайтариб бўлмайди, деди давлатимиз раҳбари. Президентимиз дин аҳлини табиий офат туфайли ҳалок бўлганлар хотирасига жума куни фотиҳа ўқишга чақирди.

Халқимиз оғир кунларда ҳеч қачон бир-бирини ўз ҳолига ташлаб қўймайди, деди юртбошимиз. Ишонаманки, эрта-индин бутун мамлакат аҳли шоҳимардонликларга ёрдамга келади. Айниқса, ишбилармонларимиз, тадбиркорларимиз, барча савобталаб инсонлар бу ишдан четда қолмайди. Зеро, меҳр офатдан устун, деди Президентимиз. Савоб ишни эса ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шоҳимардон қишлоғига сафари чоғида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Худойқулов, Президентнинг Матбуот котиби А. Зиёев, Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов ҳамрохлик қилди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Самимий ҳамдардлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шоҳимардонда рўй берган кучли сув тошқини натижасида кўп одамлар қурбон бўлиб, уйлар вайрон бўлгани тўғрисидаги хабар мени чуқур ташвиш ва хавотирга солди.

Сизга, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдираман.

Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Шоҳимардондаги табиий офатнинг фожиали оқибатларидан қалбим ларзага келди. Шу қийин пайтда биз ҳаммамиз, шахсан мен ва бутун Қирғизистон халқи Сизнинг, азиз дўстим ва биродарим, ва қардош халқнинг қайғусига ҳамдардмиз.

Менинг чин юракдан билдирган ҳамдардлигимни ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндош-уруғлари ва яқинларига етказишингизни сўрайман.

Асқар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Фарғона водийсида рўй берган ва кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган табиий офат тўғрисидаги фожиали хабардан ларзага келдим.

Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига менинг чуқур ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,
Грузия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Фарғона водийсида одамлар ҳалок бўлишига олиб келган табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлигимни қабул қилгайсиз.

Барча қозоғистонликлар ва шахсан менинг номимдан жабрдийдаларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик сўзларини етказишингизни илтимос қиламан.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 14 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	58,63	1 Норвегия кронаси	12,65
1 Австрия шиллинги	7,62	1 Польша злотийси	27,89
1 Англия фунт стерлинги	158,38	10 Португалия эскудоси	5,24
10 Бельгия франки	25,99	1 Сингапур доллари	55,89
1 Голландия гульдени	47,54	1 СДР	128,16
10 Греция драхмаси	3,22	1000 Туркия лираси	0,36
1 Дания кронаси	14,07	1 Финляндия маркаси	17,65
1 БАА дирхами	26,36	1 Франция франки	15,99
1 АҚШ доллари	96,83	1 Швеция кронаси	12,07
1 Миср фунти	28,46	1 Швейцария франки	63,40
1 Ирландия фунти	134,69	1 ЭКЮ	105,88
1 Исландия кронаси	1,35	10 Жанубий Корея вони	0,74
10 Испания песети	6,32	10 Япония иенаси	6,78
100 Италия лираси	5,44	1 Россия рубли	15,59
1 Канада доллари	65,49	1 Украина гривнаси	46,34
1 Хитой юани	11,69	1000 Белорусь рубли	2,49
1 Қувайт динори	320,10	1 Латвия лати	161,11
100 Ливан фунти	6,41	1 Литва лити	24,21
1 Малайзия рингити	22,75	1 Молдова лейи	20,39
1 Германия маркаси	53,59	1 Қирғизистон соми	5,01

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Зафар муборак!

1998 йил — ғалла йили бўлди, деганлари рост чиқди. Барча вилоятларда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача жойлардан давлат буюртмаси муваффақиятли бажарилганлиги ҳақида кўплаб хушхабарлар тарқалди. Куни кеча Навоий вилоятидан ҳам хушхабар келди.

Вилоят ғаллакорлари давлатга дон топшириш бўйича йиллик шартномани бажардилар. Ўртача ҳосилдорлик 27,9 центнерни ташкил этди. Суғориладиган майдонлардан эса анча юқори ҳосил кўтарилди. Қабул пунктларига 68 минг 800 тонна дон топширилди. Айниқса, Конимех, Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи ва Нурота туманлари деҳқонлари йиллик хирмонга муносиб ҳисса қўшишди. Ҳали ҳосили ўриб олинмаган майдонлар талайгина. Вилоят ғаллакорлари давлат омборига яна 5 минг тонна дон топшириш ниятида астойдил тер тўкишяпти.

Ўз мухбиримиз.

«Погон» қалқон бўлолмайди

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Шу йилнинг 28 январида Шеробод тумани суди биносида ака-ука Баҳодир ва Баҳром Жўраевларнинг устидан жиноий иш кўрилди. Шеробод тумани Э.Бердиев номли жамоа хўжалигининг «Оқтепа» қишлоғида яшайдиган 24 ёшли Баҳодир ўрта мактабни ҳам тўлиқ битирмаган. Оилали, бир фарзанднинг отаси. Унинг акаси Баҳром эса 28 ёшда. Ангор тумани «Занг» жамоа хўжалигида яшаб, Термиз шаҳар ички ишлар бўлимида милиционер бўлиб ишлаган.

Аммо, бу «милиционер»нинг қўлидан ўғрилик, таъмагирлик, товламачилик қилиш ҳам келарди. Ёлғон гапириш эса унинг учун одатий ҳол бўлиб, мол-дунё учун ҳеч қандай қинғир ишдан тап тортмасди. Устидаги форма, эгнидаги погон эса тайёр ниқоб! Ҳар доим ҳам оддий кишиларни чалғитишга қурби етади.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, деганларидай ноинсоф милиция ходимининг жиноятга ўз туғишган укасини ҳам жалб этгани ўтиб тушади. Ҳамиша ошиғи олчи бўлган нафс бандаси балки бу сафари «ов»ида ўзини тузоқ кутаётганини хаёлига ҳам келтирмагандир.

Хуллас, 1997 йилнинг 14 августидан 15 августига ўтар кечаси Шеробод тумани «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмаси «Пахтақум-2» маҳалласида яшовчи Ражаб Ҳайитовнинг ҳовлисига мушукдек писиб киришган ака-ука ўғрилар молхонадаги 51 бош қўй-эчкиларни худди отасининг молидек қўрадан чиқариб, ҳайдаб кетишди. Гарчи тонг вақти уйқудан уйғонган мол эгалари ўғрилар кетидан тушган бўлсалар-да, Шеробод-Термиз асфальт йўлига келишганда туёқ изларини йўқотишди. Шундан сўнг, ноилож, Шеробод тумани ИИБга хабар қилишди.

Ўғрилар эса ўша кечаси Музробот туманида яшовчи поччаси Сайдулло Йўлдошевнинг хонадонига «мол» билан эсон-омон етиб олишиб, дарвозани тақиллатишди.

— Почча, бу молларни чўл томондан жуда арзон пулга сотиб олдим. Икки-уч кундан сўнг бозорга олиб бориб қимматига сотмасак, кисса қурғур бўшаб қолди, — деди Баҳром ёлғонни сувдек симириб. Бу гапга поччаси ва опаси лаққа ишонишди-қўйишди. Бироз вақт ўтгач ҳовлига Баҳодир ҳам кириб келди. Ака-ука ўзаро имо-ишора билан «гаплашиб» бўлгач, Баҳром ишга кетишини айтди.

Поччаси қайниларининг гапи билан қўйларнинг семиз-семизини қассобларга пуллай бошлаган эди... Аммо орадан бир-икки кун ўтар-ўтмас уйини бегона одамлар ва милиция ходимлари босди. Ҳамма нарса ойдинлашди. Ака-ука ўғрилар Баҳром ва Баҳодир милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Тергов давомида Баҳром Жўраев кўп найранглар ишлатган бўлса-да, тажрибали қонун ҳимоячилари тегишли гувоҳлар, далилий ашёлар билан уларнинг жиноятларини исботлаб беришди. Шундан сўнг суд Жўраев Баҳром Жабборовични 13 йил, Жўраев Баҳодир Жабборовични 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Мол-мулклари давлат фойдасига мусодара этилди.

Ҳамма гап шундаки, улар ҳали жиноятчи «посбон»ларнинг охиргиси эмас. Қумқўрғон туман ИИБ милиция ходимлари Х. Алияров, Б.Ҳакимовлар 1997 йилнинг 19 февраль куни хизмат вақтида ишини ташлаб минерал ўғит ўғирлаш билан шуғулланганлар.

Денов шаҳар ИИБ милиция катта лейтенанти Р. Холматов, лейтенант Р. Тошпўлатовлар бўлса содир этилган ўғирлик ҳолатини яширишга ҳаракат қилишган.

Ёки...

Ҳа, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Кейинги икки йил давомида Сурхондарё вилоят ИИБнинг ходимлари томонидан содир этилган 40 дан зиёд турли жиноятларни ўрганиб кўрсангиз, оддий безориликдан тортиб, ўз хизмат мансабини суиистеъмол қилиш, пораҳўрлик каби энг оғир жиноятларгача борлигидан ташвишга тушасиз. Зеро, бу жиноятлар оддий, қонунни билмайдиган одамлар томонидан эмас, балки, қонун ҳимоячилари томонидан содир этиляпти. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идораларида ҳамон нолойиқ кишилар ҳам ишлаб юрганлигидан дарак беради.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Саркор

Халқ ташвиши ва қувончи билан яшаш, эл хизматига ҳамиша камарбаста бўлиш, бировнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилганидан беҳад шодланиб, бировнинг кунига яраганидан кўнгли тоғдек кўтарилиб юрадиган одамлар оз эмас. Уларнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси жамиятнинг туб моҳиятини, қадриятини, бутун борлиғини ўзида мужассам этади, десак муболаға бўлмайди.

Зулқайнар ака Қодировнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, юқоридаги фазилатлар намоён бўлади.

Мана етти йилдирки, истиқлол туфайли дунёга келган ва элнинг меҳридан жой олган, кўп сонли партия аъзоларини бирлаштирган туман партия ташкилотига саркорлик қилиб келаяпти. Биринчи котиб сифатида кенг кўламдаги ишларни амалга ошириб, топширилган ишга масъулият билан ёндашаётганлигини барча эътироф этади. Бекобод туман ҳокими Ғофир Бўрибоев Зулқайнар ака ҳақида фахр билан сўзлайди:

— Дарҳақиқат, туманимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатдан юксалишида Зулқайнар аканинг хизматлари катта, — дейди у, —

Партия ҳаётидан

шогирдлар етиштирди. Бундан ташқари жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатиб келди ва келмоқда. Туманда ўтадиган барча тадбирларда у киши бошқош. Масалан, туман партия ташкилоти раҳбари ўз оталиғидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аҳолисини тўлиқ табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлади. Навоий номли жамоа хўжалигида аҳоли зич яшайдиган маҳаллаларга табиий газ ўтказиш ишлари жадал бошлаб юборилди.

З.Қодиров туманнинг йирик ташкилотларида ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» марказларида республика Олий Мажлисининг кейинги сессиялари ҳужжатлари бўйича суҳбатлар, маърузалар уюштирди. Улуғбек номли, «Авангард», «Далварзин» ва «Деҳқонобод» ҳамда «Ғалаба» жамоа хўжаликларида ўтказган суҳбатлари эса аҳолида катта таассурот қолдирди.

Неъматилла ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири.

Мулоҳаза

Хонандага ҳаё керакмасми?

Юзни қоралаб қолган онахонни зиёрат қилиш баҳонасида хонадонига бордик. Қўшниникига меҳмон келса ён-теваракдагилар «Хуш келибсиз, бизникига ҳам ўтинг, меҳмон» дея йиғилишади. Онахон баҳона бир гуруҳ аёллар билан дастурхон атрофида ўтирибмиз. Даврада ёши улуғ онахон, ака, опалар, ёшяланглар, болалар бор.

«Қўшнимизнинг келини аразлаб кетибди» деб қолди ёшгина жувон. Бири қайнонани, бири келинни айблашди. Эмишки, келин туман марказидан шу қишлоққа тушибди. Тиктирган қўйлакларидан тортиб, мини юбкаси қишлоқбоп эмасмиш. Эри майли десаям, қайнотаси, қайнонаси «айб бўлади» деб кийгазмабди. Мени уларнинг баҳси унча қизиқтирмади. Айб кимда? Кўпам қизиқсинмадим.

Шу пайт эндигина мухлисларига атак-чечак танилаётган эстрада қўшиқчиси саҳнада куйлай бошлади. Ҳали фонограммада айтишгаям ўрганмабди, чоғи, оғзи қимирласа «қўшиқ йўқ, қўшиқ бўлса «қимирлаш» йўқ. Унисиям майли, қўшиқ шу хонаданики. Кийим-боши, очиғи, агар шу қўйлакни устибоши дейиш мумкин бўлса, шунчалар очиқ-сочиқки. Гўзал аёл ёқасини очиқроқ кийса, «санъат асари»дай қараш мумкиндир, лекин ярим-яланғоч, ярим танасини, қўлтиғини очиб чиқса... нима дейиш мумкин?

Қариялар ер чизиб, ёшлар қизариб қолди. Фақат ёш-яланг, қизлару, йигитчаларгина ҳайратми, ҳавасми тикилишганча кўришарди.

Гулнора Толипова ўзининг «Мен севган «Мерседес» ашуласини бошлади. Ярим яланғоч, қорни очиқ ёшгина қиз саҳнада телба-тескари ҳаракатлар билан қўшиқ айтарди. Қўшиқнинг матнига бир аҳамият берсангиз, тумтароқ, на мазмун, на қофия бор. Шунчалар жон куйдириб қичқириб, саҳнанинг у бошидан бу бошига чопадики, худди қўшиқ эмас, уввос солаётгандай туюлади.

Хуллас, ўтирганлар аста-секин даврани тарк этишга мажбур бўлишди. Онахонлар сарак-сарак бош чайқашди: «Ҳа, хонандага ҳаёнинг кераги йўқ, чоғи». Бу таъна эмас, дашном ҳам. Менга шундай туюлди.

Очиғи, бугунги эстрада, умуман, баъзи хонандаларнинг юриш-туришидан сўнг, хонандага шундай назар билан қайрайдиган бўлиб қоляпмиз.

Ўйланиб қоласан киши. Наҳотки хонандага ҳаё шарт эмас? Тўғри, баъзилар эътироз билдириши мумкин, улар маънан «яланғоч» эмас, тан яланғочлиги эса замонавийлик, эстрада саҳнаси шуни талаб этади. Йўқ, бу фикрга қўшилиш қийин. Ахир эътибор беринг, жаҳон эстрада санъатининг ёрқин юлдузлари — мисрлик Хуршид Ширихан, ҳинд маликаси Алиша Чунай нега ўз миллий услубидан қочмаяпти. Нега саҳна шундай юлдузларни «ечинтирмаяпти?»

Назаримда, санъаткор саҳнага чиқар экан, у ўзининг томошабини, мухлиси ундан ҳар томонлама ибрат олишга интилишини бир дақиқа бўлсаям унутмаслиги керак. Уларнинг босган қадамини зийрак мухлислари кузатиб туришади. Керак бўлса, уларга эргашади. Наҳотки эндигина мухлиси қаршисида куйлашга чиқаётган бу хонандалар ҳали улар эл «синовида», халқ ҳукмига муштоқликларини англашмаса?

Ўзбек аёли ўзининг ҳақиқий шарқона гўзал ибоси билан наинки саҳнани, дунёни забт этиши мумкинлигини ўйлаб кўришмаса? Уларга кўр-кўрона эргашаётган шундай ёшлар эмасми, қайнотаси мини юбка кийишини истамаса, шахсий турмушга енгил-елпи қараб «ота уйи»га кетиб қолиши. Ахир ярим-яланғочликни замонавийлик деб англаган ёш куёв «отасини қолоқликда» айблашининг туб илдизи шунда эмасмикин?

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Ҳеч ит етаклаганини кўрмовдим. Ёнида нақд эшакдай келадиган кўппак. Ҳа, десам, «Келинимизнинг орқасидан «эргашиб» келган», деди ярим чин-ярим ҳазил. Биламан, жуда зиёли, тақводор хонадон. Ҳайратимни сезган олим: «Ҳа, ёшлар шунақа, замонаси шу бўлгач, на чора, невара кўргунча «Армандо»ни сайр қилдириб турамиз-да», дейди бир ланж кайфиятда. Очиғи, ўшандаям келинга «эргашиб» келган жонзотга кўзларимни катта очиб тикилишдан нарига ўтолмовдим.

Хонандага ҳаё керакми? Қўшиқчининг ҳаёсиз қўшиғи, ибосиз ҳатти-ҳаракати унинг тезда эл назаридан қолишига сабаб бўлишини «катта саҳна» неча-неча бор кўрсатган.

Ёш хонандалар мақом ёки халқ ижро йўлида айтадими, эстрада жанрида куйлайдими — барибир. Унинг мухлиси олдидаги энг муқаддас бурчи ўзлигини унутмаслигида, назаримда.

Саида БОНУ

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Уларга етарли шароитлар яратиб берилганлиги туфайли ҳунармандларимиз халқ анъаналари руҳида ажойиб асарлар, буюмлар яратмоқдалар. Шуниси қувончлики, қадимий анъаналар тикланаётганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган ажойиб маҳсулотлар харидорларга маъқул келмоқда. Ҳатто хорижлик сайёҳлар ҳам зардўзлик буюмлари, сўзана-ю кашталарга ишқибозлик билан қараётирлар. Бинобарин, мамлакатимизга кўплаб валюта ҳам келтирилаётир.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тойлоқ тумани бўлими ҳузурида ташкил этилган миллий ҳунармандлик устахонасида ҳам бу борада муайян ютуқларга эришилаётир. Бу ерда 50 нафар йигит-қиз нозик касб сирларини эгаллаб, астойдил меҳнат қилаётир. Улар бу ерда тикиш-бичиш, зардўзлик; ганчкорлик, бадиий безаш ва рассомлик билан шуғулланаяптилар. Бугунги кунда устахонада бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Қўли гул зардўзлар томонидан тикилган турли фасондаги кийим-кечаклар эса харидорларга ҳамиша манзур бўлаётир.

Суратда: тойлоқлик зардўзлар иш устида.
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Жигарбандлик.

Бу дунёда дийдор ғанимат

Бир гал Сурхондарёга борганимда, 75 ёшли нуроний ҳожи Бекназар Абдусалом ўғли билан суҳбатлашиб қолдим. Йиллар, хилма-хил даврлар, бу дунёнинг оғир-енгил юклари одамнинг чеҳрасига соя солаверади. Билъакс, кўнгилдаги эзгу умидлар, иймон, ёруғ амаллар эса бу сояларни даф этиб, чеҳраларга нур улашиб келаверади. Бу доимий ҳаракатдаги доимий мувозанатга ўхшайди. Бекназар ҳожининг чеҳрасига ҳам ҳаётнинг турфа хил фасллари турфа хил ифодаларни муҳрлаган.

— Бойсуннинг ўзбек қўнғирот уруғиданман. Худойим ҳамма ниятларимни ҳалол қилиб берди, — дейди-да Бекназар бобо оғир тин олади, кўнглининг бир буржида бир армон бош кўтаради.

— Ўў, қанийди укам билан бир топишсам... Бир дийдорлашсам... Ўтган умримнинг бир чигили ёзиларди...

Бекназар бобо ҳаётининг илк манзилларида қолиб кетган, аниқроғи йўқотиб қўйган болалигини излагандай бўлади. Ва ниҳоятда тез улғайган, ўзининг завқини ҳам сездирмасдан ўтиб кетган, ўсмирликка ўхшамай ўтган ўсмирлигини эслайди.

Ўша масъум, гўзал ва армонли сатрни эслайман: «Бу дунёда бормикан бағри бутун»?

Бир қарашда, Бекназар бобонинг ҳайбату савлатига, ғайрату суҳбатига қараган одам бу чолнинг бу дунёдан армони бўлмаса керак, деб ўйлайди. Лекин, ҳар ким ўзидан ўтганни ўзи билади.

— Бойсуннинг Шўроб қишлоғида туғилганман. Онам 1931 йилда қазо қилди. Кўп ўтмай отам Қашқадарёдан қозоқлардан бир қизни хотинликка олиб келди. Иккинчи онамнинг исмини Ҳанифа деяр эдилар. Ҳанифа қозоқ деб, ҳам атардилар. Лекин, унинг кўриниши, юз тузилиши сираям қозоқларга ўхшамасди. Кейин билсак, воқеа бошқача бўлган экан. Ўша оғир йилларда бир неча ўғрилар интернатдан 30 нафарга яқин қизни ўғирлаб кетишган ва уларни дуч келган жойда, дуч келган одамларга сотишган, пуллашган. Шундай қилиб, Ҳанифа онам палахмоннинг тошидай адашиб менинг отамга хотинликка тушган. Аслида у Тошкентдан бўлиб, эшон қизи экан.

1939 йилда отам сургун қилинди. Орадан кўп ўтмай Ҳанифа онам ўғил туғди. Отини Жуманазар қўйдик. Отамиз сургунда, биз тирик етим бўлиб қолавердик. Бу пайтда онамиз қишлоқ аҳлига озми-кўпми ҳамширалик қилиб юрарди.

Укам Жуманазар уч ёшларга яқинлашиб қолганда, эрталаб уйимизга бир одам келди. Эласэлас эслайман, келган одам онамга, «Сени армияга чақиришяпти. План тушган. Сен армияга бориб, дўхтирлик қиласан», деганди. Онам зор йиғлаб, уйимиздаги аҳволни тушунтира кетди. Бу тирик етимларнинг бошига ким соябон бўлади, дея қақшаб йиғлади. Келган одам кўнмади. Бу ишлар менинг ихтиёримда эмас,— деди. Онамиз яна қайларгадир, қайсидир эшикларга арзу-дод қилиб борди. Улар ҳам кўнишмапти.

Хуллас, Ҳанифа онамиз армияга жўнайдиган бўлди. Эсимда... Ҳалиям эслайман, кетар чоғда у менга қараб илтижо билан: «Укангни сенга, сени худога топширдим» деганди. Зор-зор йиғлаб кетган эди у. Тўрт тирик етим қолиб кетдик. На отанинг, на онанинг ўлик-тиригидан хабар бўлмади. Эҳ, ... У кунларни худо кўрсатмасин. Йўқчилик, очарчилик, хор-зорлик... Ҳатто отаси ё онасининг бағрида бўлган болалар ҳам очликдан ўла бошлаганди. Бир тишлам нон топиш бир ўлиб-тирилиш билан тенг. Бу пайтда Жуманазар ҳали кичкина эди. Отамнинг укаси уни очдан ўлиб қолмасин, деб Бойсундаги болалар уйига топширди.

Эсимда, 1944-45 йиллар эди. Жуманазарни излаб, 30 километр масофани пиёда юриб, болалар уйига борганман. Бу пайтда мен йигит бўлиб қолгандим. Болалар уйига иккинчи марта борганимда, Жуманазар бўйнимга осилиб кўп йиғлади. «Мени олиб кетинг» деб йиғлади. Эй, олиб кетиб қаёққа олиб борардим. Олиб кетсам укам аниқ очликдан ўлиб қоларди. Шуларни ўйлаб, укамни яна болалар уйида қолдирдим.

Кейин... Тирамоҳда яна укамни излаб бордим. Аттанг... Аттанг... Болаларни Бойсундан бошқа шаҳарга кўчиришган экан.

Орадан 9-10 йиллар ўтиб, укам Жуманазарни қўмсай бошладим. Уни излашга тушдим. Лекин, ҳеч дарагини топа олмадим. Йиллар бирин-кетин ўтаверди. Умр ҳам шувиллаб ўтиб бораётти. Лекин, кўнглим бир орзиқади, бир пайтлар йўқотиб қўйган укамни излай бошлайди. Мен ҳалиям бир нарсани аниқ биламан: укам Жуманазар тирик. Буни кўнглим айтади. Одамни ақли алдаши мумкин, лекин кўнгли алдамайди. Жуманазар тирик. У қаердадир соғ-омон яшаб, ишлаб, бола-чақалар орттириб, эл оралаб юргандир. Бу дунёдаги дийдор ғаниматлиги, дийдор талаблик ҳам ажаб бўларкан. Баъзида оқшомлар ўйга чўмиб ўтирсам, эшик очилиб, Жуманазар кириб келаётгандай бўлаверади.

1976 йилда Ҳанифа онамизни топиб олдим. 1987 йилда у киши қазо қилди. Онам ҳам дунёдан ўтгунича Жуманазар деб ўлиб кетди. У ҳам Жуманазарнинг тириклигига, унинг соғ-омон юрганлигига қаттиқ ишонарди.

Мен ҳалиям қачондир Жуманазар билан дийдорлашишимга ишонаман. Зеро, етимнинг ишини худо ўнглайди. Етимнинг эгаси худо.

Ниятларим, орзу-армонларим ушалди. Оллоҳга шукр, эл-ликдан ошиқ невараларим бор, 8 та чеварам ҳам бор. Лекин, бағримнинг бир бўлаги кемтик.

Қайдасан, укам Жуманазар, менинг бағримни тўлдир. Армоним ғўрни қуйдирмасин. Болалигингни бир эслаб кўр. Бойсун деган жойни, Бойсун деган сўзни бир эсла. Эсла! Кўнглинг сенга кўп сирларни очса, ажабмас.

Бу гурунгда Бекназар ҳожи бир тўкилди. Мен эса ўша самимий, армон тўла сатрларни эслайман:

Бу дунёда бормикан бағри бутун?..

Эшқобил ШУКУР

Қишлоқ оралаб

АНДИЖОН. ЎзХДП вилоят кенгаши Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан ўзаро мулоқотида баён этилган миллий маҳкура моҳиятини аҳоли ўртасида тарғибот қилиш гуруҳини тузди. Тарғиботчилар Қўрғонтепа туманининг Хонобод, Қорасув, Андижон шаҳарлари ҳамда Жалолқудуқ, Булоқбоши туманларининг қишлоқларида бўлиб, мазмунли суҳбатлар уюштиришмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

«Абадият» ва бошқалар

Республика бадиий академиясида рассом Ортиқали Қозоқовнинг асарлари кўргазмаси очилди. Бу тадбирни ташкил қилишда «Бешёғоч» фирмаси билан «Зарафшон» ресторани ҳомийлик қилди. Кўргазмага мўйқалам устасининг мустақиллик йилларида яратган 40дан ортиқ асари қўйилган. Унинг ижоди тарихий шахслар, мумтоз адабиёт қаҳрамонлари, хотин-қизлар, маданият ва санъатга бағишланган. Хусусан, «Абадият», «Абдулҳамид Чўлпон», «Камолиддин Беҳзод», «Дугоналар», «Ватан ҳақида қўшиқ» каби асарлари мухлисларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Узоқни яқин қилиб

Замонамизни қаранг-а, бирор жойга бораман десангиз, оғирингизни енгил, узоғингизни яқин қиладиган транспортлар ҳар қадамда муҳайё. Олисроқ шаҳар, ё қишлоққа бориб, бир саёҳат қилиб келаман деган одамга шаҳримиз Тошкентдан махсус йўналишлар бўйича автобуслар қатнови ҳам йўлга қўйилган. Булардан ташқари шахсий ва ижара автобуслар бор. Бундай автобуслар кейинги пайтда тобора кўпайиб бормоқда. Биз ана шундай автобуслар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида «Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш» автокорхонаси бошлиғи Зиёдулла Қўчқорович Маҳмудов билан суҳбатлашдик.

— Зиёдулла Қўчқорович, республикамизда шаҳарлараро йўловчи ташиш транспорт тизими ривожланиб бормоқда. Сизнинг автокорхонангиз шаҳарлараро йўналишларда хизмат қилар экан. Лекин шунга қарамасдан шоҳбекатларда шахсий ва ижара автобуслари ҳам ҳаракатда. Шу масалага аниқлик киритсангиз. Уларнинг ҳаракати қонунийми?

— Бизнинг «Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш» автокорхонамиз аҳолини республикамизнинг барча вилоятларига ҳамда Марказий Осиёнинг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон каби республикаларига йўловчиларни ташишда транспорт хизмати билан таъминлайди. Тўғри, айтиб ўтганимиздек, шоҳбекатларда шахсий ва ижара автобуслари ҳаракати йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад йўналишга чиқадиган автобус бирор сабаб билан келмай ёки кечикиб қолса, шахсий ва ижара автобуслар ҳаракатидан фойдаланилади. Бу автобуслар «Ўзавтолицензия» бошқармаси томонидан лицензия олгандан кейин йўналишларга чиқади. Бериладиган лицензия тўрт кўринишдан иборат бўлади. 1. Шаҳар ичида. 2. Шаҳар атрофида. 3. Шаҳарлараро. 4. Халқаро йўналишларда. Халқаро йўналишларда шахсий автобусларнинг юриши мумкин эмас. Лекин бу қоидаларга зид равишда баъзи автобуслар Тошкент — Олмаота, Тошкент — Ашгабад йўналишлари бўйича тижорат ишлари билан қатнаётганликлари маълум бўлди. Бундай ишларга йўл қўймаслик учун уларни махсус назорат остига олдик.

— Шахсий автобусларнинг бу йўналишларда қатнаши автокорхонангизни молиявий аҳволига таъсир кўрсатмаяптими?

— Кейинги тўрт ой якуни бўйича 694 та автобус йўловчи йўқлиги туфайли «Тошкент» шоҳбекатидан қайтиб келган. Йўловчиларнинг аксарияти шахсий автобусларда кетишган. Бундан автокорхонамиз 20,7 миллион сўм даромадини йўқотган.

Автокорхонамизда ишни ташкил қилишда шундай қоидага риоя қилдик. Яъни ҳар бир ҳайдовчи ўз йўналишига қўйилган режани бажариши шарт. Бу қоидага асосан ҳар бир йўналиш таннархини ишлаб чиқдик. Самарадорлигини ошириб, ўзаро рақобат ўрнатдик.

Ўтган 5 ой якунини 5 миллион 800 мингдан ошиқ соф фойда билан тугатдик. Ҳайдовчиларимиз ҳақида қанча илиқ сўз айтсангиз, арзигулик. Йўлдош Абдужалилов, Шавкат Қосимов, Баҳодир Ирисметов ва бошқа ҳайдовчиларимиз ҳалол меҳнат қилиб келмоқдалар.

— Автокорхонангиздаги автобуслар техник талабларга жавоб берадими?

— Автокорхонамизда ҳаммаси бўлиб 193 та автобус бор. Бундан «Мерседес-Бенц» (26 та), «Кароссе» (20 та), «Икарус» (86 та), «Лаз-695» ва «Паз-672» (64 та) русумли автобуслардир.

«Икарус» ва «Паз-695», «Паз-672» русумли автобусларимизнинг 90 фоизи эскирган. Шунга қарамасдан, қайта таъмирлаб, техник кўрикдан ўтказдик. Техник кўрикка тайёргарлигимиз 86 фоизни ташкил қилди. Бу бизни анча юқори кўрсаткичимиз бўлиб, таъмирловчиларимизни юқори тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Автобусларимизни янгилаш бизнинг асосий режаларимиздан. Бу жуда катта маблағ талаб қилади. Бу масалани ечиш учун бир неча йирик ташкилотлар билан иш олиб боряпмиз.

Бобомурод РАЙИМОВ суҳбатлашди

Эътиқод — комил

— «Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни ҳаётий зарурат эди, — дейди Наманган вилояти прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Х.М. Сабиров. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида бир неча қонунлар, шу жумладан, виждон эркинлиги тўғрисида ҳам қонун қабул қилинди. Бу табиий эҳтиёж эди, назаримда. Негаки, мустақиллик йилларида ҳаётимизда сифат ўзгаришлари рўй берди. Миллатимиз ўзлигини эркинроқ англади. Миллий урф-одатларимиз турмушимизга чуқурроқ сингди. Қонун доирасида кўплаб диний ташкилотлар рўйхатдан ўтди. Минг-минглаб ота-оналаримиз муборак ҳаж, умра зиёратларига бориб келадиган бўлдилар. Қуръони карим, Ҳадису шарифларнинг ўзбекча таржималари қайта-қайта босилмоқда. Ёшларимиз Ислом давлатларидаги ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Ўзимизда кўплаб диний илмгоҳлар, мадрасалар очилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб белгиланди. Бунга шукр келтириб, ўзи ҳамда оиласи фаровонлигини ўйлаб «қўли ишда, дили Оллоҳ»да бўлган фуқароларимиз кўп.

Аммо, берилган эркинликни суиистеъмол қилган шахслар ҳам пайдо бўлди. Улар дастлаб масжидларни қўлга киритиш тўғрисида ваъз айтдилар. Оқибатда бир маҳаллада бир неча масжидлар пайдо бўлди. Етарли билимга эга бўлмаган «қори»чалар, «имом»лар пайдо бўлдилар. Чаласаводлик билан қилинган маърузалар илму урфон, дину диёнатдан йироқ одамларнинг ҳам масжидга келишига сабаб бўлди. Мен бу ерда диний, дунёвий билими етарли даражада бўлмаган, «оғма» кишиларни назарда тутяпман. Очиғини айтганда, давлатдан аламзада жиноятчи ҳам, лавозимидан кетган амалдор ҳам, иши юришмаган фуқаро ҳам кемтик кўнглини масжидда тўлдиришга аҳд қилди. «Худонинг уйи» улар учун ёмон ниятларини амалга ошириш масканига айланди. Амру маъруф ўрнини ҳокимиятга интилиш, дунёвий, ҳуқуқий, демократик давлат қуриш ўрнини Ислом давлати барпо этиш ҳаракати эгаллади. Бундай ақидапарастлар майда-чуйда нарсалардан катта-катта ўпирилиш ясашни мақсад қилдилар. «Аллоҳу акбар»ни жаҳрия /овоз чиқариб/ айт деб уқтирдилар. Пайғамбаримиз суннатидан ота-боболаримиз амал қилиб келган одатлардан воз кечишга даъват қилдилар.

Жиноий унсурлар ислом динини ниқоб қилиб 1990 йилнинг 2 декабрида бешта аскарни автобусда ёқиб юбордилар. Ўша йили баҳорда месхети турклари билан низо чиқардилар. Айрим жиноятчиларни жавобгарликдан қутилтириш мақсадида вилоят прокуратураси биносини ўраб олиб, баъзи бир ҳужжатларни ёқиб юбордилар. Э. Маматқулов, М. Носиров, Б. Убайдуллаев, Н. Абдуллаев сингари мансабдор шахсларни ваҳшиёна ўлдирдилар.

Вилоятимизда «Ислом уйғониш хизби», «Ислом лашкарлари», «Адолатчилар», «Даъватчилар», «Тавба», «Талбиҳ» жиноий гуруҳлари «Ваҳҳобий»лик оқимининг ирмоқлари сифатида таркиб топди. Улар сиртдан динимиз ривожининг жонкуярлари бўлиб кўринсаларда, аслида мустақиллигимизнинг душманлари эдилар. Шу йўлда террористик ҳаракатлар олиб бордилар. Жиноятлар содир этдилар. Жиноятга мойил шахсларни қидириб топдилар. Уларни «Жиҳод» ниқоби билан уруш-жанжал учун махсус тайёргарликдан ўтишга хорижга йўлладилар. Улар келиб ларда ақидапарастлик тасаввури шаклланди. Улар дунёвий илмни, фан-техника ривожини, жамиятдаги шахс ролини инкор этдилар. Энг ачинарлиси, дин ва масжидларнинг тоифага бўлиниб қолиши, бир оила аъзоларининг бир-бирларига душманлик қилишигача етиб борди.

Кўриниб турибдики, 1991 йил 14 июндан қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун мамлакатимиз ривожи, мустақиллиги ва халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарасиз бўлиб қолди. Буни юртбошимиз сессияда жуда тўғри таърифлади. «Биз бугун нима учун Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ундан кейин янги Конституцияни қабул қилдик, кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимиз учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлиги масаласини қайтадан кўриб чиқяпмиз».

Чиндан ҳам эски қонунда турли хил экстремистик кўринишларга зарба бериш йўналишлари кафолатланмаган эди. Булар фанатизм, фундаментализм, ислом ақидапарастлиги, бир сўз билан айтганда, дин ниқоби билан давлатимиз конституцион тузумига тажовуз қилишлар эди. Тожикистон, Афғонистон, Чеченистон, Жазоир, Босния, Герцоговинадаги диний фундаментализм таъсирида юз берган урушларни кўриб-билиб турибмиз. Бу нохушликлар бошқа ўлкаларга ёйилмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Айнан шулар жуда нозик масалалар эканини англашимиз керак. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида... «муайян кучлар кўзлаётган, ҳатто динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишлик»ни алоҳида уқтирди.

Республика газеталаридан бирида уруш қатнашчиси Жўрабой Болтабоевнинг кичик бир мулоҳазасини ўқидим. У шўролар давридаги раҳбарлар дунёдан ўтган ота-онаси таъзиясида иштирок этолмагани, яширинча фотиҳа ўқиб келишганини ёзади. Ваҳҳобийлар қилган номаъқулчиликларни тўқлиққа шўҳлик деб баҳолайди. Жуда тўғри. Яқин кунлардаги воқеалардан сабоқ чиқариш фуқароларимизнинг виждоний бурчи.

Мана, қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Уни ўқиш, ўрганиш керак. Шундагина фуқароларга, диндорларга яратилган эркинлик тўғрисида, уларнинг ҳуқуқи, ҳимояси ҳақида яхлит тушунча пайдо бўлади. Мен аввалги қонун билан ҳозиргисини солиштириб, таҳлил этмоқчи эмасман. Янги таҳрирдаги қонуннинг ҳамма учун кенг имкониятларига тўхталмоқчиман.

Аввало, қонунда ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқи кафолатланди. Борди-ю республикамизнинг халқаро шартномасида қонун талабларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Чет эл фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам

1 2 3

Толибларнинг янги фармони

Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати раҳбарлари аҳолига буйруқ бериб, икки ҳафта мобайнида барча телевизорларни, видео аппаратураларни ва турли антенналарни топширишни талаб қилди. Ушбу хабар Кобулнинг шариат радиоси томонидан эълон қилинди. Диний ишлар бўйича вазир ўринбосари Муҳаммад Ғаламуддин «Телевидение ва видеомагнитофонлар жамиятдаги коррупциянинг ривожланишига хизмат қилмоқда» деди. Толиблар бундан аввал видеокассеталар сотишни ман қилишган эди. Аммо бу фармонни кўпчилик бажармади. Энди эса Афғонистон пойтахти аҳолиси 15 кун ичида ўзларининг телевизорлари билан хайрлашишлари керак. Чунки, икки ҳафтадан сўнг диний полициянинг қуролли отрядлари текширувлар ўтказиб, топилган телевизорларни бузиб ташлайдилар. Фармонни бузганлар Ислом қонунларига биноан жазоланадилар. Толиблар кейинги пайтларда шариат қонунларига қатъий риоя қилинишини талаб қилмоқдалар. Барча афғонлар мачитларга боришлари шарт. Эркаклар эса соқолларини олдиришлари мумкин эмас. Аёллар европача кийинишлари ва ишга боришлари ман этилган. Қизлар эса мактабга бориш ҳуқуқидан маҳрум. Диний мусиқадан ташқари бошқа қўшиқ-куйларни эшитиш ҳам қонун томонидан таъқиқланган. Қонунларни бузганлар эса оммавий равишда жазоланаётир.

Нигерия – АҚШнинг йирик савдо шериги

Айни пайтда Нигерия АҚШнинг Африкадаги энг йирик савдо шериги-дир. АҚШ миллий статистика бошқармаси томонидан эълон қилинган маълумотлар бунга далолат беради. Айни пайтда статистика маълумотларига кўра, Нигерия АҚШдан йилига 814 миллион долларлик маҳсулот сотиб олмоқда. АҚШ эса, ўз навбатида Нигериядан йилига олти миллиард долларлик нефть ва бошқа маҳсулотлар сотиб олаётир. Ушбу маълумотлар АҚШ давлат котибининг ўринбосари Томас Пикеринг раҳбарлигидаги Америка делегациясининг Нигерияда бўлиши муносабати билан эълон қилинди. АҚШ вакили Нигериянинг ҳарбий раҳбари Абу Бакр билан музокаралар олиб борди. Маълум бўлишича, Америка вакили икки томонлама муносабатларни, биринчи навбатда савдо соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканлиги маълум бўлди.

Табиий офат зарари

Қирғизистонда рўй берган табиий офат оқибатлари мамлакат иқтисодиётига катта зарар келтирди. Қирғизистон ҳукумати Жаҳон банки ҳамда Осиё тараққиёт банкидан ёрдам сўради.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, табиий офатнинг мамлакат қишлоқ хўжалигига етказган зарари оқибатларини тугатиш учун тахминан 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ зарур бўлади.

Австралия ҳам халқаро шартномага қўшилди

Австралия ядро синовини ялпи тақиқлаш бўйича халқаро шартномани имзолади. Расмий ташриф билан Жакартада бўлган Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунер шу ҳақда баёнот берди. Австралия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари бошқа давлатларни, хусусан, Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатларини ҳам ушбу халқаро ҳужжатни тезроқ имзолашга чақирди.

Шу кунгача мазкур халқаро ҳужжат жаҳондаги 149 та мамлакат томонидан имзоланган.

Самолёт учдию-қўнди

АҚШнинг "Америкэн эйрлайнз" авиакомпаниясига қарашли А-300 ҳаво кемаси Пуэрто-Риконинг Сан-Хуан шаҳри аэропортида ҳавога кўтарилиб, шу заҳотиёқ ерга қайтиб қўнишга мажбур бўлди. Авиакомпания вакилининг маълум қилишича, 242 йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзолари бўлган мазкур ҳаво кемаси Сан-Хуан аэропортидан ҳавога кўтарилганда самолётнинг чап двигателидан ўт чиққан. Самолётни қайтадан аэропортга қўндиришга эришилган. Ушбу қалтис вазият натижасида фақат 2-3 киши енгил жароҳат олди.

Чегарадан яширин ўтгани учун

Германия полицияси мамлакат чегарасини яширин равишда бузиб ўтган 25 нафар Хитой фуқаросини ҳибсга олди.

Маълум бўлишича, хитойликларни Вьетнам фуқароси ўз автобусида 2 минг марка эвазига Голландиягача олиб боришни ваъда қилган. Чақирилмаган меҳмонлар Хитойнинг Кантон вилоятидан бўлиб, Шанхайдан Берлингача самолётда келган ва Голландиягача етиб бориши учун контрабандачиларга 20 минг марка тўлаган.

Жосуслик тармоғи фош этилди

Исроилнинг Ливанда фаолият кўрсатаётган жосуслик тармоғи фош этилди, деб маълум қилади Ливан хавфсизлик хизмати ходимлари.

Хабарда маълум қилинишича, Ливанда Исроилнинг 77 нафар жосуси фаолият кўрсатган. Уларнинг 17 нафари қўлга олинди. Улар 1995 йилда Исроил томонидан оғдириб олинган Ливан фуқаролари бўлиб, катта пул эвазига Исроил разведкасига маълумот етказиб турган.

Исроил матбуотининг ёзишича, бу воқеалар "Массад" разведка хизмати атрофидаги навбатдаги жанжални келтириб чиқариши мумкин.

Сайлов иккинчи бор ўтказилмоқда

Маълумки, Комбоджада 26 июль куни парламент сайлови бўлиб ўтади. Бу воқеани кузатиб бориш учун халқаро шарҳловчилар гуруҳи ташкил қилинди. Уларнинг ишини БМТ мувофиқлаштириб туради. Гуруҳга қатор халқаро ташкилотлардан 25 киши киритилган бўлиб, улар 34 мамлакат вакилларидир.

Мазкур сайлов 1979 йилда "Қизил Кхмерлар" тартиби йўқ қилинганидан буён иккинчи бор ўтказилади.

Биринчи сайлов 1993 йилда БМТ маблағи ва назорати остида ўтказилган эди.

Айни пайтда халқаро ҳамжамият Комбоджадаги бу галги сайлов эркин ва адолатли равишда ўтишини кутмоқда.

(ЎзА)

Сиёсий иқлим

Тўнтаришлар гирдобида

Кейинги пайтда Африка мамлакатларида нотинчликлар тез-тез содир бўлиб турибди. Жазоир, Судан, Эфиопия давлатларидаги сиёсий вазият мураккаб, Нигерия ва Гвинея-Бисауда эса намойиш ва исёнлар давом этяпти. Шу ўринда Нигерия воқеаси тафсилотига тўхталиб ўтсак.

Европаликларда «Қирол ўлди, яшасин қирол» деган ибора бор. Бу қиролнинг ўрнига унинг ишини давом эттирадиган йўлбошчи деган мулоҳазани англатади. Нигерияда ҳам худди шундай бўлаётгандек. Генерал Сани Абачанинг ўлимидан кейин давлат олий раҳбариятига, Нигерия Олий Судининг қарорига кўра, Давлат Ҳарбий Қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи генерал-лейтенант Абдусалом Абу Бакр тайинланди. Бу ҳолат Нигерияда одатий ҳолга айланган. Нигерия Ғарбий Африкада жойлашган бўлиб, тахминан 100 миллионга яқин аҳолисининг ярмини мусулмонлар, 35 фоизини христианлар ташкил қилса, қолганлари маҳаллий динларга эътиқод қилади. Инглиз қўшинлари 1861 йилда Нигериянинг бутун соҳилбўйи ерларини босиб олгандан кейин «Қуллар қирғоғи» деб атала бошланди. 1914 йилда Англиянинг жанубий мустамлака ва шимолий протекторатлари умумий — Нигерия номи билан маъмурий жиҳатдан бирлаштирилди. 1960 йил 1 октябрида Нигерия сиёсий мустақилликка эришди.

Мамлакатда мустақиллик осонгина қўлга киритилмади.

Мустамлакачилар «Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» шиорига амал қилиб, Нигерияни Шимолий, Ғарбий ва Шарқий вилоятларга парчалаб ташлаганди. Вилоятлар ўртасидаги қаттиқ рақобат, келишмовчилик чиқишидан кимнингдир умиди катта эди. Республиканинг биринчи ҳукумати ғарб сиёсатига эргашгани боис, ватанпарвар кайфиятдаги ёш офицерлар ҳарбий тўнтариш уюштириб ҳукуматни ағдарди. Аммо улар ҳукуматни қўлда сақлаб тура олмадилар, шу сабабли уни генерал Иронсига топширдилар. Аммо генерал Иронсининг изчил бўлмаган сиёсати юқори даражали офицерлар орасида норозилик келтириб чиқаради ва шу тариқа 1966 йил июлда яна ҳарбий тўнтариш бўлди. Бу гал ҳам ҳукумат тепасига ҳарбийлар келди. Янги ҳарбий ҳукуматта генерал Я. Говон раҳбарлик қилди.

1975 йил ўрталаридан бошлаб мамлакатда ички сиёсат кескинлашди. Генерал Говон ҳокимиятни фуқаро маъмуриятига топширишга ваъда берган эди. Аммо генерал ваъдасини бажаришдан воз кечди. Шу тариқа 1975 йил 29 июлда қон тўкилмаган ҳолда ҳарбий тўнтариш бўлди. Давлат бошлиғи этиб генерал Муртала Муҳаммад тайинланди. Аммо у 1976 йил 13 февралда ҳарбий исён натижасида ўлдирилди. Шу тариқа мамлакатни бошқариш қўлдан-қўлга ўтаверди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Нигерияда давлат тепасига фақат исён билан келиш мумкин ва ҳарбийларгина давлатни бошқара олади, деган фикр уйғотади кишида.

Энди, яна бир ғарбий Африкадаги Гвинея-Бисау давлатига келсак. Бу давлат унчалик катта бўлмай, аҳолиси бир миллион кишидан ошади. Расмий тили португал тили ҳисобланиб, аҳолисининг 50 фоизи ислом ва христиан динларига, қолган 50 фоизи эса маҳаллий қичик динларга эътиқод қилади.

Гвинея-Бисауни XV асрда португаллар кашф қилган бўлиб, XX асрда бутунлай босиб олганлар. 1951 йилдан расман Португалияни «Денгиз орти вилояти» деб ҳисобланган. 1972 йил июнда унга маҳаллий мухторият ҳуқуқи берилди. Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан кейин Африка қитъасида миллий озодлик ҳаракатлари юзага кела бошлайди. Гвинея-Бисауда миллий озодлик ҳаркатига ПАИГК — Гвинея ва Яшил Бурун ороллари (Африка мустақиллиги партияси) бошчилик қилди. 1963 йилдан бошлаб озодлик кураши кенг қулоч ёйди.

1973 йил 24 сентябрда озод қилинган ҳудудларда қонун чиқарувчи орган — Миллий Халқ Ассамблеяси биринчи сессиясида Гвинея-Бисау Республикаси тузилганини эълон қилди. Мамлакатнинг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас Португалияда фашист тузуми ағдарилди. Португалиянинг янги ҳукумати ПАИГК билан музокаралар олиб борди ва ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ҳақида битим имзолади. 1974 йил 10 сентябрда Португалия Гвинея Бисауни тан олди ҳамда октябрь ойида ўз қўшинларини олиб чиқиб кетди.

1980-84 йилларда бутун ҳокимият Революцион Кенгаш қўлида бўлди. Миллий Халқ Ассамблея 1984 йил май ойида Революцион Кенгашни тарқатиб юборди. Давлат Кенгашини сайлаб, янги Конституция қабул қилди. Давлат Кенгаши раиси ва ҳукумат бошлиғи — Ж. Бернарду Виейра ҳисобланади. Гвинея-Бисау давлатининг қисқача тарихи шулардан иборат. Тинчгина яшаб келаётган бу давлатда ҳам исён алангалай бошлади. Мамлакат Қуролли Кучларининг бош қўмондони Ансумане Мане қуролли исён бошлади.

Маълумки, Гвинея-Бисау ҳукумати қўшни Сенегал, Гвинея ва Гамбия ҳукумати билан ўз вақтида битим имзолаган экан. Шу битимга асосан уларнинг қуролли кучлари ҳам исёнкорларга қарши курашда қатнашмоқда. Бу кучлар ёрдами билан Мане бошчилигидаги исён деярли мағлубиятта учради. Аммо исёнчилар қуролларини ташлашни истамаяпти. Шундоқ ҳам аҳолисининг кўп қисми қашшоқликда яшаётган бу давлатта исён катта зиён келтирди. Халқаро ташкилотлар Гвинея Бисауга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси узоқ йиллардан буён ҳарбий тўнтаришлар гирдобида азият чекиб яшамоқда. Бундан фақат олдий халқ зарар кўраяпти, холос.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

Қонхўр кўршапалаклар

Кўршапалакларнинг кўпчилиги ҳашарот ейди. Бироқ улар орасида қон сўрувчилари ҳам бор. Вампир кўршапалаклар шулар жумласидандир.

Аслида вампир кўршапалаклар тишламайди. Орқа тишлари ишга яроқсиз бўлгани учун яхши шаклланмаган. Олд тишлари эса олмосдан ҳам кескирдир! Ҳайратланарлиси, маҳорат билан қурбонининг томирини топиб, уста жарроҳ каби ёриб ичади. Бу соҳада улар шунчалик моҳирларки, қонини сўраётган ҳайвон ёки бошқа жонзот уйқуси зийрак бўлса ҳам уйғонмайди.

Вампир кўршапалаклар қурбонининг ярасидан оқаётган қонни тамом бўлгунга қадар ялайди. Шунинг учун қон берувчи беҳаловат бўлмайди. Яраси ҳам тез битиб кетади!

Асл хавф бу кичик вампирлар келтирадиган микроб ва касалликлардадир.

Дунёда кўршапалакларнинг 2000 дан ортиқ тури мавжуд. Юқорида айтиб ўтганимиз вампирлар озчиликни ташкил қилади.

Гўзал ТОШМАТОВА
Туркча «Минг саволга минг жавоб» китобидан таржима.

Искаб топарлар

Одатда искаб топар деса, саргузаштли фильмларда кўрганимиз бугунги полициячиларнинг беминнат дастёрлари — хизматдаги итларни тушунамиз. Аслида бошқа ҳайвонлар ҳам бемалол шу «ишни» уддалашаркан. Масалан, бу борада тўнғизлар итлар билан бемалол «беллаша олиши» мумкин. Ишонмайсизми?

Литвадаги Расейняя шаҳри яқинидаги ўрмонда тўнғизлар портловчи моддалар сақланаётган омборхонани топишди. «Искаб топарлар» димоғини қандай ҳид қитиқлаганлиги бизга қоронғу. Маҳаллий аҳоли негадир шу жойга тўнғизлар тўпланиб, тумшуқларини ерга ишқай-ишқай ҳид олаверишидан шубҳага тушишди. «Бир гап бор, балки кон бордир, балки олтин чиқар...» ҳовлиқиб қолганлариям бўлди.

Ҳарбийларни чақиришди.

Сапёрлар дарҳол ашқол-дашқоллари билан ерни «титкилай» кетишди: 100 килограммдан ортиқ портловчи модда «пусиб» ётган экан.

Полициячиларнинг тахминича, Россия армиясининг Литвадан чиқиб кетаётганда унутиб қолдирган «бойлиги» эмиш. Тўнғизлар ҳозир ўрмон бўйлаб «исков», «қидирув»ни давом эттиришяпти. Полициячилар бўлса тўнғизларни кўздан қочирмасликка тиришиб, кузатувни кучайтиришди.

Фалокатли «Лаура»

Хельсинкидан Таллинга қараб йўл олган баландлиги 37 метрли сув ости кемаси «Лаура» тўсатдан «тўсиқ»қа дуч келиб, қаноти билан урилди, саёзликка ўтиргандай чўкиб қолди. Буни қарангки, 200 нафар сайёҳларга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмади. Фақат кема сардорининг обрўсига путур етиб, попуги пасайгани қолди, холос.

Финландия ҳарбий-денгиз кучлари етиб келди. Уларнинг ортидан эса бошқа «ёрдамчи катер»лар пайдо бўлишди: Сайёҳларни Эстон пойтахтига қайтариш зарурияти туғилди.

Маълум бўлишича, «Лаура» урилган сув ости «қитмир» қоя тоши фин пойтахти яқинидаги энг хавфли «сузиш ҳудуди» ҳисобланар экан. Қизиғи шундаки, бу галги фалокатга «қитмир»нинг ҳеч алоқаси йўқ эмиш. «Лаура»нинг ўзи бориб «тинчгина» турган қояга суйкалганмиш. Бу кема биринчи бор шунақа саёзликка ўтириб қолгани йўқ. 1995 йилдаям «Лаура»га худди шундай «қилиғи» учун финлар боплаб жарима солишган эди. Ўшанда ҳам кема бортидаги 200 нафар йўловчининг бир ери тирналмаган эди.

«Лаура» сардорининг попуги пасайганининг боиси шунда, шекилли. Чунки, фалокатли «Лаура»ни қояга шикаст етказишда айблашаяпти.

Зумрад тугмалар ёки бой берилган омад

Акола шаҳрида яшовчи Вишпарани Гуптанинг авлоди қашшоқ яшаб ўтган. Гуптанинг ўзи ҳам шаҳар ахлатхонаси ҳисобига кун кўради.

Лекин омад ҳаммагаям кулиб боқаверади: шоҳгаям, гадогаям...

Бир куни у одатдагидай ташландиқ уюм орасидан ипакдан тикилган, шарти кетиб парти қолган чакмон топиб олди. Аниқроғи, чакмоннинг ям-яшил рангдаги тугмалари кўзига чиройли кўриниб кетди. Санаса 8 та. Шартта биттасини узиб олди. Чок-чокидан кетган чакмонни ахлатхонанинг бир четига улоқтириб кетди.

Тасодифни қарангки, ҳеч кутмаганда эски таниш ошнаси Жинн Хугорини учратиб қолди. Жинн ёшлигида заргар эди. Шунинг орқасидан шўрлик узоқ вақт турмада ўтириб чиққан экан. Вишпари унга «ўлжа»сини кўрсатди. Хугорининг кўзлари шокосасидан чиққудай бўлди: зумрад-ку?

Икки дўст ахлатхонага югуришди, чакмонни қидиришга тушишди.

Афуски, етти зумрад тугма қўлдан кетганди.

Ҳа, гаплашда эмас, уни қўлда тутиб қолишда.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан баб-баравар фойдаланадилар. Бизда фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқлари асло чекланмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қувватлайди. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди. Давлат диндан, дин давлатдан ажратилгани жаҳон андозаларига мос бўлган энг муҳим томонлардандир. Диний ташкилотлар фаолиятини йўналтириб бориш учун уларнинг марказий бошқарув органлари тузилади. Ана шу органлар диний ўқув юртлари тузишга ҳақлидирлар. Бу ўқув юртларида руҳонийлар ва диний ходимлар тайёрланади.

Маълумки, Ислом инсон камолотини кўзлайди. Бунинг учун қадриятлар завол бўлмаслиги керак. Қонунда диний ташкилотларнинг маросимлар учун қулай жойларни ташкил этиш, зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқи кўрсатилган. Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар шу ердаги фуқаролар илтимослари билан улар талаб қилган жойларда ўтказилиши белгиланганки, бу ҳам қонуннинг халқчиллигидир.

Диний ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқлари қонун билан қўриқланади. Улар шартнома асосида давлат бинолари ва мол-мулкидан фойдаланишга ҳам ҳақлидирлар. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик каби корхоналар, хайрия муассасалари, етимхоналар, касалхоналар таъсис этишга, шунингдек, диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, биргина қонунда қанчадан-қанча эркинлик ва ҳақ-ҳуқуқ ифода этилган. Одатда ҳуқуқ ва бурч ёнма-ён юради. Бири иккинчисини тўлдиради. Бири иккинчисисиз яшай олмайди. Фуқаро у ёки бу динга эътиқод қилмас экан, уни «динга эътиқод қил, диний расм-русумларни бажар», деб мажбур этишга йўл қўйилмайди. Айниқса, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш асло мумкин эмас. Юқорида чет эл фуқароларига виждон эркинлиги тўла таъмин этилганини айтдик. Улар ўз эътиқодларига хос иш тутар эканлар, қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳам қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлишларини унутмасликлари зарур.

Фуқароларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳаммамизга аён. Оллоҳ томонидан нозил қилинган динлар ўзаро муроса ва ҳурматга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам динларни қарама-қарши қўйишга, адоватга ҳеч йўл қўйилмайди. Диний ташкилот раҳбарларининг ташкилот Уставини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан суғорилган кино, фото, видео, шунингдек, ноширлик маҳсулотлари тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш билан шуғулланган шахслар жавобгар бўладилар.

Диний ташкилот хизматчиларидан бошқа фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотларнинг ўз Уставига мувофиқ фаолиятини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади. Кўриниб турибдики, қонунда виждон эркинлиги, диний таълимот эркинлиги тўла акс этган. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидламоқчиман, барча қонунлар, шу жумладан, мазкур қонуннинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш прокуратура идоралари зиммасидадир. Биз шу асосда қонунни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш бўйича прокуратура идоралари ходимлари иштирокида семинар ўтказдик. Жойларда бўлиб ўз-ўзини бошқарув қуйи бўғинларида меҳнаткашлар вакиллари билан учрашувлар ташкил этдик. Газеталарда, радио ва телевидение орқали қонуннинг ҳар бир моддасини оддий тилда тушунтирдик. Одамлар бу қонунни қизиқиш билан кутиб олдилар.

Бугун вилоятимиздаги мавжуд диний ташкилотлар шу қонун асосида қайта кўриб чиқилмоқда, қайта рўйхатдан ўтказилмоқда. Қонун талабига жавоб берадиган масжидлар эса ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Бир кўчада, бир маҳалларда бир нечталаб масжидлар намозхонлар сонини ўргана-май ташкил этилганини пок ниятли наманганликларнинг ҳар бири тушуниб етди. Фуқаролар йиғинлари вакиллари вилоятдаги ортиқча масжидларни ёпиш учун ариза бердилар. Вилоят адлия бошқармаси томонидан шу кунгача 397 масжид халқнинг хоҳиш-иродаси билан фаолият йўналишларини ўзгартирди. Улар ижтимоий, маданий, маиший бино сифатида аҳолига қайтарилди. Бу ишларни оқкўнгил наманганликларнинг деярли барчаси қўллаб-қувватламоқда. Негаки, вилоятимизнинг ғурурли, ор-номусли халқи ўзлари яшаб турган заминнинг обрў-эътиборини доимо улуғлаб келганлар. Шунинг учун ҳам бир ҳовуч ваҳҳобийчи ғаламислар қилмишини бир жон, бир тан бўлиб қораламоқдалар. Бошқаларни мулоҳаза билан иш тутишга чақирмоқдалар. Ҳар кун тонгни Оллоҳга ҳамду-сано-ю пайғамбарга саловат бағишлаш билан бошлаётган отахонларимиз, онахонларимиз ёшларни яратувчилик ишига, тинчлик-хотиржамликка ундамоқдалар. Вилоятимиз меҳнат аҳли давр талабини, Конституция талабини, қонун талабини яхши тушунадилар ва унга тўла-тўкис итоат этадилар.

Журналист
Раҳимжон ИРИСОВ
ёзиб олди.

Муносабат

инсон байроғидир

4 5 6

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 14 iyul, seshanba № 83 (22.320).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Асримизнинг сўнгги чемпиони

Жаҳон биринчилиги якунлари хусусида баъзи мулоҳазалар

Бунақа бўлишини ҳеч ким кутмаганди. Тўп думалоқнигини қилди. Яшил майдонда «эзгулик» билан думалаган чипор тўп майдон эгаларига улкан бахт келтирди. Бир сўз билан айтганда Франция кўчаларида катта байрам нишонланмоқда. Мутахассислар, ашаддий мухлислар, фолбинлар, ҳатто компьютерларнинг тахминлари, башоратлари пучга чиқди. Франциянинг жаҳон чемпиони номига сазовор бўлиши энг йирик сенсацияга айланди.

Инсоф билан айтганда, адолат тантана қилди. Гап шундаки, ғолибликка даъвогар Бразилиянинг бешинчи марта чемпион бўлишини ҳамма ҳам «ҳазм» қилолмади. Сўров-истакларга қараганда дунёдаги қарийб саксон фоиз мухлис Франциянинг тантана қилишига мойиллик билдирган. Демак, минглаб ашаддий мухлисларнинг «дуо»лари мустажоб бўлди чоғи, Франция асримизнинг сўнгги чемпиони номини олди.

Бундай омадда дунёда ажойиб футбол спектакларини намойиш этилишига катта ҳисса қўшган франциялик ташкилотчиларнинг руҳлари мададкор бўлдиёв. Сабаб, бундан 94 йил аввал 21 май куни ФИФАга асос солиниб, жаҳон чемпионатини ўтказиш низоми ва тартиблари ҳақида мулоҳазалар бўлганди. Ўшанда Парижда юз берган ана шу тарихий воқеада Голландия, Бельгия, Дания, Швеция, Швейцария ва Испаниядан вакиллар бор эди. Ғояни эса ажиб футбол жонкуярлари француз Жюль Риме билан Анри Делон рўёбга чиқаришган. Орадан оз вақт ўтгач, Риме ФИФАнинг биринчи президенти этиб тайинланган. Унинг эҳтирос билан айтган: «Ўйингоҳлар узра қуёш порлайверади», деган сўзлари куни кеча якунланган жаҳон чемпионати рамзида ўз ифодасини топиб турибди. Франция пойтахтида биринчи марта 1938 йили жаҳон чемпионати ўтказилган эди. Ўшанда Италия — Венгрия (4:2) жамоалари ўртасида финал учрашуви бўлган.

Мухлисларга аёнки, бугунгача Уругвай, Аргентина икки мартадан, Италия, Германия уч мартадан, Бразилия тўрт маротаба ва Англия бир марта чемпионликка эришган. Нихоят асримиз охирида Франция ҳам чемпионликка эришиб, футбол тарихига ёзиладиган бўлди. Франциянинг бундай ютуққа эришишида яна бир ўзига хос рамзий маъно бор. Боиси, жаҳон чемпионатлари тарихида дарвозага киритилган дастлабки тўп соҳиби ҳам француз бўлган. 1930 йил 13 июль куни Монтевидио шаҳрида ўтказилган учрашувда тўпурар Люсьен Лоран маҳаллий вақт билан 15 дан 12 дақиқа ўтганда Мексика дарвозасига тўп киритиб, тарихий воқеани амалга оширган. Қизиғи шундаки, асримизнинг якунловчи жаҳон чемпионатида ҳам француз охирги тўпни дарвозага йўллади.

Келинг яхшиси Бразилия — Франция жамоалари ўртасида ўтказилган финал учрашувининг баъзи тафсилотлари ҳақида тўхталайлик. Сирасини айтганда, Бразилия футболчиларининг бу сафар таъбир жоиз бўлса лалайиб ўйнашларини ҳеч ким қутмаганди. Улар ўзларига хос услуб, маҳорат ва тезкорликни ўрнига қўйишолмади. Учрашув худди Германия — Хорватия ўйинидаги манзарани ёдга солиб турди. Ўшанда ҳам хорватларнинг олмонларни доғда қолдириши тасодиф бўлувди. Хуллас, ўйин бошида асосан дарвозабонлар «бахслашдилар», десак бўлар. Ўйиннинг 27-дақиқасига борганда бурчакдан оширилган тўпни Зинедин Зидан боши билан дарвозага йўллаб, ҳисобни очди. Танафусга чиқиш олдидан Стефан Гиварш қулай имкониятни бой берди. 45-дақиқада яна бир бурчак тўпи тепилиб, Зидан маҳорат кўрсатиб, ғалабани мустаҳкамлади. Шундан кейинги уринишлар зое кетаверди. Ўйин тугаб ҳакам қўшиб берган вақтда француз Эммануэль Пети Бразилия дарвозасини нишонга олиб, ҳисобни 3:0 га етказди. Бу тўп сўнгги чемпионатнинг якунловчи тўпи бўлиб қолди. Атайлаб янгитдан қурилган Сен-Дени ўйингоҳини тўлдириб ўтирган 80 минг томошабин хайқириб Франциянинг чемпионлиги ҳақида дунё узра садо бергандай бўлди.

Умуман, чемпионат давомида Бразилия жамоасини гуруҳлардаги ўйинлардаёқ Норвегиядан енгилиши гўё финалда унинг синишидан дарак бергандай бўлувди. Французлар эса аксинча гуруҳ ўйинларида уч марта ғалабага эришиб, нимчорак, чорак, ярим финал ўйинларида ҳам муваффақият қозондилар. Ғалабаларнинг ғалабаларга уланиши пировардида янги чемпионни юзага келтирди. Футбол тарихида ҳал қилувчи ўйинлар чоғида асосан мезбонларнинг устун келгани қайд этилган. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Бир кун аввал бу сафарги чемпионатда катта шов-шувларга сабабчи бўлган хорватлар Голландия жамоасини 2:1 ҳисобида енгиб, учинчи ўринни эгаллашди. Сўнгги учрашувдан кейин байрамона ўйингоҳда ФИФАнинг собиқ президенти Жао Авеланж ўзининг охирги юмушларини адо этди. У жаҳон кубогини Франция Президенти Жак Ширакка топширди. Совриндорларга олтин, кумуш ва бронза нишонлари берилди. Шундай қилиб бир ой давом этган футбол байрами якунланди. Муҳими истиқлол шарофати билан мамлакатимиз минглаб мухлислари миллионлаб ишқибозларга ҳамнафас бўлдилар. Ойнаи жаҳоннинг хосияти билан барча учрашувлар олиб кўрсатилди. Бирдан бир ният шуки, футболга ниҳоятда катта эътибор берилаётган Ватанимизда яқин келажакда ажойиб ютуқларга эришилиб, Ўзбекистон довруғини ошириш.

Ҳайдар НОСИРОВ

Бунда вақт тўхтамайди

Шўро даврида Ватанимизда ташкил қилинган турфа музейлар номига, мустабидларнинг бизга "эркинлик" бериб қўйганини, "тарихи"миз бор эканини далиллаб туриш учун керак эди. Чуқурроқ эътибор берилса, бу музейлар шу ғариб туришида ҳам ўшаларга хизмат қиларди. Чунки унда бойларимиз қамчи кўтариб, камбағалларимизни калтаклаётган бўларди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, музейлар фаолиятини жонлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида икки марта ҳукумат фармони эълон қилинди. "Музей" сўзининг матбуотда, турли оммавий ахборот воситаларида овози чиқиб қолди. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом уй-музейи директори Олмос АҲМЕДОВА билан ҳам айнан шу мавзуда — музей фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Музейшунослик жуда қадимий ва жиддий фан. Сиз аввалари кўпроқ журналистика ва адабиёт билан шуғуллангансиз. Ҳозирги ишингизни таклиф қилишганда, дадангизнинг ҳурмати учун қабул қилганмисиз? Ё музей ҳақида фикрларингиз бормиди?

— Албатта. Музей фаолияти бирор дақиқа ҳам тўхтамайдиган жойнинг учун чинакам танилиш, тан олиш керак эди. Олмос опа, музей деса кўпчилик хотиралар маскани — сокин бир гўшани тасаввур қиладилар. Бу тасаввур, менимча, янглиқдир.

— Ҳа, дадамнинг қўлёзмаларини аям жуда авайлаб сақлаганлар. Ҳамма ёқ ёзилган, ҳатто ҳар бир ҳарф, ҳар бир сўз ўзининг ўрнида. Ҳеч ким ҳеч нарсанинг ўрнини ўзгартирмаган. Ҳатто ҳар бир ҳарф